

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Самарқанд ХЭТК” АЖ



Иқтисод ва молиявий масаладар бўйича  
директор

О.Тўхтаев

“ “ \_\_\_\_\_ ” 2022й

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**  
**МАХСУС ШТАБ КОМПЬЮТЕРЛАРИ**

Самарқанд 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

**1. Танлов предмети:** Самарқанд вилояти Пайариқ туманида махсус транспорт хизмати

Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан 318 605 200 (уч юз ўн саккиз миллион олти юз беш минг икки юз) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2 Хизмат бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

1.3 Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб \_\_\_ календар кун

1.5 Ишларни бошлаш муддати 30 фоиз миқдордаги аванс маблағи ўтказилган кундан бошланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ.**

2.1. “Самарқанд ХЭТК” АЖ (бундан кейин – “Буюрмачи” деб аталади”) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюрмачи” манзили: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151 – уй.

Эл.адрес: [samhet@umail.uz](mailto:samhet@umail.uz).

2.2. Танлов “Буюрмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Самарқанд ХЭТК” АЖ Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ.**

3.1. Таклиф этилган шартлар бўйича тендерда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Икки ёки ундан ортик пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкио эти шоркали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.

Тендерда иштирок этиш учун иштирокчиларга куйидаги талаблар куйилади:

- фукаролик-муомала лаёкати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколоти борлиги:

- уз айланма маблаглари билан таъминланганлиги (курсаткич 0,2 коеффитциентдан кам бўлмаган);

- тўловга кодирлиги (курсаткич 1,25 коеффитциентдан кам бўлмаган);

3.2. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 10 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотларга иштирок этиши мумкин.

3.3. Тендерда катнашиш учун танлов иштирокчиси бану хисоб ракамида буюртмачи томонидан талаб килинган айланма маблагга эга эканлиги тўгрисида тижорат банк томонидан тасдиқланган маълумотнома, ёки буюртмачи томонидан талаб килинган микдорида айланма маблаглар билан таъминлаш тўгрисидаги тижорат банк кафиллиги.

3.4. Айланма маблаглар микдори буюртмачи томонидан талаб килинганидан кам микдорни ташкил этган холларда, иштирокчи айланма маблаглари мавжудлиги хакидаги банк тасдиқлаган маълумотномани ва етмаётган суммага банк кафиллигини такдим этади.

3.5. Банк кафолати факатгина керакли лимитлар ва кредит ресурслари билан таъминланган юкори турувчи банк ёки кредит комитетининг тасдигига эга бўлган банк муассасаси томонидан берилиши мумкин. Бунда банк кафиллигида тасдиқловчи хужжатнинг раками, санаси ва юкори турувчи банк рахбарининг фамилияси, исми кўрсатилади.

3.6. Тендер иштирокчиси хакида умумий маълумотлар. Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустикал кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг хакикатда мавжудлиги, уларнинг иш стажи ва максadini тасдиқловчи хужжатлар нухаси такдим этилиши шарт.

3.7. Тендер иштирокчисининг охирги уч йилдаги молиявий ахволи. Шаклда иштирокчи аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар хакидаги хулосалар (баланс хисоботлар)нинг нухаларини илова килишга мажбур.

3.8. Тендер иштирокчисининг иш хаки жамгармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари. Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисобот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдикланади.

3.9. Иштирокчи ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати. Агар бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга руҳсат этилади.

3.10. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот.

3.11. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари.

3.12. Юкорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга иштирокчи кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

Қуйидаги иштирокчиларга тендер жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш) тугатиў ёки банкротлик арафасида турганлар,

мол-мулки мусодарага олинган, ҳамда муассислик келишв, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар,

Тендер таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар тендер иштирокчилар учун йўриқномада акс эттирилган.

#### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларини ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда ташлаган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4 Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (бронпоралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим .

4.5 Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1 Давлатхаридлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва унинг махфийлигини, ошкоралигини таъминлаши асосланган қарор қабул қилиш бўйича маъсул.

5.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбур.

## КЕЛИШИЛДИ

Харид комиссия раиси:

Харид комиссия аъзолари:



А.Шукуров

Ф.Кулдошева

И.Саматов

А.Пардабоев